

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

АБДУВАЛИ АБДУМУТАЛИБОВИЧ ЙЎЛДАШЕВ

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОН
ЁШЛАРИНИНГ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of abstracts of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD)

Абдували Абдумуталибович Йўлдашев

XIX аср охири – XX асрнинг 20-йилларида Туркистон ёшлиарининг хорижда таълим олиш масалалари.....	3
---	---

Abduvali Abdumatalibovich Yuldashev

The issues of education of Turkestan young people abroad at the end of the 19 th century – in the 20-s of the 20 th century.....	25
--	----

Абдували Абдумуталибович Йулдашев

Вопросы обучения Туркестанской молодежи за рубежом в конце XIX – в 20-е годы XX века.....	47
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....	51
----------------------------------	----

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

АБДУВАЛИ АБДУМУТАЛИБОВИЧ ЙЎЛДАШЕВ

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОН
ЁШЛАРИНИНГ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2022.3.PhD/Tar537ракам билан
рўйхатта олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.fati.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) тармоғига
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нодира Абдуллаевна Мустафаева
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахтиёр Эргашевич Эргашев
тарих фанлари доктори, профессор

Абдулла Нуритдинович Расулов
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти
хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 ракамли Илмий
кенгашнинг 2022 йил 9 декабр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047,
Тошкент шаҳри, Яхё Гуломов кўчаси, Фанлар академияси асосий биноси 70-йй, 110-хона.
Тел.: (99871) 233-54-70, (99871) 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий
кутубхонасида танишиш мумкин (ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170,
Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-йй. Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил 18 ноябр куни тарқатилди.

(2022 йил 14 ноябрдаги 14-ракамли реестр баённомаси)



Азamat Зиё

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, тарих
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй берадиган глобаллашув ва интеграция жараёнлари таълим ва илм-фан ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, илм-фан ютуқларини мамлакат шароитига мос равишда жорий этиш ҳамда такомиллаштириш дунё давлатлари тараққиётида муҳим вазифалардан биридир. Бу ўз навбатида ҳалқаро таълим ва хорижий тажрибага бўлган эҳтиёжни ошироқда. Замонавий ёшларнинг хорижий мамлакатлардаги таълим муассасаларига бориб, академик дастурлар асосида билим олишга бўлган интилишлари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондаги жадидчилик ҳаракати, унинг намояндалари фаолияти, илмий мерослари, ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётга қўшган ҳиссалари билан бир қаторда ўлқадаги таълим ислоҳотларини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу даврда Туркистон ёшларининг хориждаги таълимга бўлган эҳтиёжининг сабаблари, омиллари, зиёлилар ва ҳукуматнинг ёшларни чет элга таҳсил олиш учун юборишдаги сайди-ҳаракатлари, империя ва совет ҳокимиятининг ушбу жараёнга бўлган муносабати, ёшларнинг хориждаги таълими каби масалаларга катта қизиқиш билан қаралмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизга хос бўлган жиҳатларни эътиборга олган ҳолда таълим тизимининг миллий модели ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ёшларни дунёнинг ривожланган мамлакатларида замонавий билим эгаллаши, амалий тажриба орттириши, илмий амалиёт ва малака оширишларига катта эътибор берилмоқда. Зоро, “ёшларимизнинг нуфузли хорижий олийгоҳларда таҳсил олиши учун ҳар томонлама кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратамиз”¹, деб таъкидланиши ҳам таълимнинг стратегик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан ушбу тадқиқот ёшларнинг хорижий мамлакатларда таълим олишининг тарихий илдизларини ўрганиш, унинг сабаб ва омилларини тадқиқ этишда долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3982-сон қарори, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон ҳамда “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сон фармонлари, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қиласди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи // Янги Ўзбекистон. 2020 йил, 26 декабрь.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туркистон ёшларининг XIX аср охири – XX асрнинг 20-йилларидаги хорижий таълими масалалари бўйича яхлит ҳолатдаги маҳсус илмий тадқиқот яратилмаган. Шу билан бирга, бу масаланинг айрим жиҳатлари акс этган тадқиқотлар мавжуд. Мавзуга доир илмий адабиётларни *совет даври* ва *мустақиллик* йилларида Ўзбекистонда нашр этилган асарлар ва мақолалар ҳамда *хорижда* яратилган тадқиқотлар туркумига ажратиш мақсаддага мувофиқ.

Совет давриадабиётларининг қўлами ва қамирови анча кенг бўлиб, ушбу даврдаги тадқиқотларнинг қўпчилиги коммунистик мафкура таъсирида ёзилган ва бир тарафлама ёндашилган. XX асрнинг 20-йилларида яратилган адабиётлар муаммонинг тарихшунослиги учун кўплаб далиллар келтириш билан бирга, ўзининг нисбатан холислиги билан ажралиб туради. Бундай тадқиқотлар сирасига маърифатпарвар Садриддин Айний², Ф. Хўжаев³, М. Муҳаммаджонов⁴, шунингдек, рус шарқшунос олимлари И.И. Умняков, Г. Туркестанский ва А.Н. Самойлович асарларини келтириш мумкин⁵.

XX асрнинг 30 – 50-йиллари ўрталаригача бўлган даврда яратилган А. Аршаруни, Х. Габидуллин, Э. Мавлонийнинг асарларида жадидчилик ҳаракати совет мафкураси асосида салбий жиҳатдан баҳоланиб, ёшларнинг хориждаги таълими масаласи танқид қилинган⁶.

XX асрнинг 60-80 йилларда ҳам жадидчилик ҳаракатига доир жуда кўплаб тадқиқотлар қилинди. Аммо улардаҳукмрон мафкуранинг таъсирида масаланинг айрим жиҳатларигагина эътибор қаратилиб, бир ёқлама ёндашув устунлиги кузатилади. Ушбу асарларда Россия империяси даврида хорижда таълим олиб қайтган ёшларнинг жадидчилик ҳаракати ва совет ҳокимияти йилларидаги фаолиятига эътибор қаратилган. Шундай тадқиқотларга К.Е. Бендриков, М.Г. Вахобов, Й. Абдуллаев, А. Бўтахўжаев, Г.М. Билолов, Х. Воҳидов ва бошқаларнинг асарларини қайд этиш мумкин⁷. Бу даврда

²Айний С. Бухоро жаллодларининг ўзаро мусоҳабалари // Инқилоб. 1922. – № 7-8. – Б. 30-37; Ўша муаллиф. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – 256 б.

³Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1926. – 140 б.

⁴Мўминжон Муҳаммаджон ўғли. Турмуш урунишлари. – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1926. – 345 б.

⁵Умняков И.И. К истории новометодной школы Бухара // Бюллетень САГУ. – Ташкент, 1927. – С. 81-98; Туркестанский Г. Кто такие были джадиды? – Ташкент, 1926. – 24 с.; Самойлович А. Первое тайное общество Младо-Бухарцев // Восток (журнал литературы, науки и искусства). Книга первая. – Петербург, 1922. – С. 97-99.

⁶Аршаруни А., Габидуллин Х. Очерки панисламизма и пантюркизма в России. – Москва, 1931. – 141 с.; Мавлоний Э. Туркистанда 1905-1907 йиллардаги революция. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1955. – 36 б.

⁷ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – Москва, 1960. – 512 с.; Вахобов М. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период великой октябрьской революции // История СССР. 1963. – № 2. – С. 35-56; Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте и узбекской школе. – Ташкент: Учитель, 1966; Бутахужаев А. Ўзбек совет зиёлиларининг шаклланиш тарихидан (1917-1920). Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 1967. – 178 б; Билолов Г. Хоразмда халқ маорифи тараққийси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – 131 б.; Воҳидов Х. Просветительская идеология в Туркестане. – Ташкент, 1979. – 155 с.

яратилган Маҳмуд Ойқорлининг асарида хорижда ўқиб Туркистонга қайтмаган ёки муҳожирликка чиқиб кетган туркистонликлар фаолияти “реакцион” ҳаракат сифатида баҳоланди ва унда Усмон Хўжа, Вали Қаюмхон, Боймирза Хайит каби хориждаги туркистонлик зиёлилар ҳақида маълумотлар берилди⁸.

XX асрнинг 80-йилларида бошланган “Қайта қуриш” сиёсати сабабли миллий матбуот нашрларида Ўзбекистон тарихининг турли босқичлари, шу жумладан, Россия империяси даврида Туркистон минтақасида вужудга келган тараққийпарварлик ҳаракати хусусида илмий манбаларга асосланган, чуқур илмий-таҳлилий мақолалар нашр этила бошланди. Бу даврда нашр қилинган А. Қулиев, Н. Каримов, Б. Қосимов, Э. Каримов, Ҳ. Болтабоев, П. Мирза-Аҳмедова, Д. Рашидованинг асарлари жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндаларига нисбатан холисона баҳо берилганлиги билан ажralиб туради⁹. Ушбу давр охирларига келиб, адабиётшунос Ш. Турдиевнинг хорижда ўқиган ёшларга оид дастлабки мақолалари нашр этилди¹⁰.

Мустақиллик йилларида жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ижтимоий, сиёсий ва маданий фаолияти ҳамда ёшларнинг хорижий таълим масаласи доирасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Уларга тарихчилар Д. Алимова¹¹, С. Агзамхўжаев¹², Р. Шамсутдинов¹³, Қ. Ражабов¹⁴, адабиётшунослар Б. Қосимов¹⁵, Н. Каримов¹⁶, У. Долимов¹⁷, Н. Наимов¹⁸,

⁸Ойқорли М. Туркистонни озод қилмоқчи бўлғанларнинг ҳақиқий башараси. – Тошкент, 1963. – 67 б.

⁹Қулиев А. Икки ҳалқ фарзанди // Гулистон. – 1988. – № 11. – Б. 24; Каримов Н. Мавлоно Фитрат // Фан ва турмуш. – 1988. – № 7. – Б. 8-9; Қосимов Б. Абдурауф Фитрат - ҳалқ фарзанди // Саодат. – 1989. – № 10. – Б. 7; Каримов Э. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1990. – № 3. – Б. 45; Болтабоев Ҳ. Номаълум Фитрат // Ёшлиқ. – 1990. – № 4. – Б. 34-37; Мирза-Аҳмедова П., Раширова Д. Джадиды: кто они? // Звезда Востока. – 1990. – № 9. – С. 138-139.

¹⁰Турдиев Ш. Меросимизнинг бир сахифаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989, 3 март; Ўша муаллиф. Маърифат қалдирғочлари // Ёшлиқ. – 1989. – № 7. – Б. 64-68.

¹¹Алимова Д. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана / Из странниц борьбы за независимость и единство Туркестана. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 20; Ўша муаллиф. Файзула Хўжаев ва жадидчилик / Файзула Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. – Тошкент, 1997. – Б. 37-47: Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мағкуравий тазиқ оқибатлари. 1917-1990 йиллар. – Тошкент, 2000. – 70 б.; Алимова Д. История как история, история как наука. Т.1. История и историческое сознание. – Ташкент, 2008. – 280 с.; Феномен джадидизма. Т. 2. – Ташкент, 2009. – 170 с.; Ўша муаллиф. Жадидчилик феномени. – Тошкент: Akademmashr, 2022. – 272 б.

¹²Агзамхўжаев С. Бирлашмоқ маслагидаги толиблар // Ёш куч. – 1991. – № 5. – Б. 5; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.

¹³ Шамсутдинов Р. Усмонхўжа Ватан хоини эмасди // Ҳалқ сўзи. – 1991, 15 октябрь; Ўша муаллиф: Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 432 б.

¹⁴Ражабов Қ. Ўчиб, сўниб.. яна ёниш бор... // Жамият ва бошқарув. – 1997. – № 2. – Б. 37; Ўша муаллиф. Жадидчилик ва истиқлол // Жамият ва бошқарув. – 1999. – № 3-4. – Б. 41-49; Ўша муаллиф. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32 б.; Ўша муаллиф. Файзула Хўжаев (тарихий эссе). – Тошкент, 2011. 48 б.; Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент, 2011. – 36 б.; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: Tafakkur, 2016. 332 б.; Ражабов Қ. Вали Қюмхон // Турон тарихи. – 2014. – № 2-3. – Б. 15-16; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти вазирлари ҳамда миллий мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент, 2021. – 92 б.

¹⁵Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.

¹⁶Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 88 б.; Ўша муаллиф. Биринчи дипломли агроном // Қишлоқ ҳаёти. 2001, 22 июнь; Ўша муаллиф: Turkiston talabalarining taqdiri tafsilotlari // Yoshlik. – 2019. – № 9. – Б. 21-31.

¹⁷Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – 126 б.

¹⁸Наимов Н. Мен яшашни истайман! (Роман-хроника). – Бухоро, 1994. – 326 б.; Ўша муаллиф. Бухоро жадидлари. – Тошкент: Фан, 2000. – 47 б.

Т. Қаххор¹⁹, Ҳ. Болтабоев²⁰, З. Абдирашидов²¹ ҳамда санъатшунос С. Аҳмедов²² каби олимларнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу даврда яратилган колектив монографиялар²³ ва республика ва халқаро конференцияларда²⁴ ҳам мавзу билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Шунингдек, бу даврда Ш. Ҳайитов, К. Раҳмонов, А. Расулов, Р. Абдуллаев, Н. Мустафаева, А. Исоқбоев, Д. Жамолова, Д. Абдуллаев, Т. Нуридинов каби тарихчи олимлар тадқиқотларида жадидчиликнинг ижтимоий, сиёсий, маданий масалалари билан бирга ёшларнинг хорижий таълимига ҳам эътибор қаратилди²⁵. Мазкур тадқиқотларда жадидчилик ҳаракати ва ёшларнинг хорижий таълими масаласи холис ва янги ёндашув асосида ўрганилди.

Мустақиллик йилларида Германияда таълим олган Туркистон ёшлари таълими ва тақдирига бағишланган маҳсус тадқиқотлар адабиётшунос Ш. Турдиев²⁶ ҳамда тарихчи Б. Ирзаев қаламига мансуб²⁷. Ш. Турдиев

¹⁹ Тохир Қаххор. Хур Туркестон учун: Мақолалар. – Тошкент: Чўлпон, 1994. 112 б.

²⁰ Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. Илмий-тадқиқий мақолалар. – Тошкент, 2007. – 286 б.

²¹ Абдирашидов З. Анnotated biography of Turkic materials in the newspaper «Tarkum» (1883-1917). – Токио, 2011. – 233 с.; Ўша муаллиф. Политические и интеллектуальные тенденции в Туркестане в начале XX века: Взгляд из Петербурга и Стамбула // Türkiye Rusya Araştırmaları Dergisi 4 (2020): – С. 55-100.

²² Аҳмедов С. Мунаввар қори // Шарқ ўлдузи. – 1992. – №5. – Б. 105-119; Ўша муаллиф. Ватанга жонин тиккан // Шарқ ўлдузи. – 2002. – № 1. – Б. 146-151; Ўша муаллиф. Шоҳиди Эҳсон // Ma’rifat. 2004, 17 июнь; Ўша муаллиф. Хайруннисо // Хуррият. 2005, 7 декабрь; Ўша муаллиф. Убайдулла Хўжаев // Жаҳон адабиёти. – 2008. – № 8. – Б. 121-138.

²³ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Редактор: Р. Раджапова – Ташкент: Шарқ, 2000 – 672 с.; Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 й. Масъул мухаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Рахимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O’zbekiston, 2019. – 560б.

²⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар / Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Академия, 1999. – 94 б.; Марказий Осиё XX аср бошларида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Маннавият, 2001. – 142 б.

²⁵ Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоронинг хориждаги талабалари (XX асрнинг 20-йиллари). – Бухоро, 2003 – 26 б.; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсат маданий ҳаёт (1920-1924 йиллар). – Бухоро, 2005 – 155 б.; Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. – Тошкент, 2008. – 208 б.; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. Бухоро ва Бухорийларнинг жаҳоний шуҳрати. – Бухоро, 2020. – 208 б.; Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 йиллар) – Тошкент, 2012 – 176 б.; Расулов А. Туркестон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2005 – 199 б.; Абдуллаев Р. Туркестон жадидлари ва XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мағкуравий жараёнлар // O’zbekiston tarixi. 2010. – № 2. – Б. 39-42; Ўша муаллиф. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. – Ташкент, 2014. – 219 с.; Мустафаева Н. XX аср 20-30 йилларида Ўзбекистон маданиятининг асосий йўналишлари ва муаммолари давр тарихшунослигига: Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 1999. – 160 б.; Ўша муаллиф. Туркестон маорифи XX асрнинг 20-йиллари муаллифлари назарида // O’zbekiston tarixi. – 2004. – № 3. – Б. 33-45; Ўша муаллиф. XX аср Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент, 2014. – 334 б.; Исоқбоев А. Туркестон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири - XX аср бошлари) тарих фан. ном. дисс. – Наманган, 2008. – 179 б.; Жамолова Д. Бухоро амирлигига жадидчилар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: Muhamarrig, 2021. – 168 б.; Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация авторефери. – Тошкент, 2019. – 53 б; Нуридинов Т. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташқи алоқалари (1920-1924 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация авторефери. – Фарғона, 2021. – 54 б.

²⁶ Турдиев Ш. Олмонияда ўқиганлар қисмати // Гулистон. – 1991. – № 1. – Б. 28-29; Ўша муаллиф. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: Фан, 1991. – 71 б.; Ўша муаллиф. Улар Германияда ўқиган эдилар // Шарқ ўлдузи. – 1992. – № 10. – Б. 104-114; Ўша муаллиф. Илм излаб, нур излаб // Халқ сўзи, 2000, 8 июнь; Ўша муаллиф. Профессор Иброҳим Ёрқин // Жаҳон адабиёти. – 2002. – № 6. – Б. 145-151; Ўша муаллиф. Саттор Жаббор қисмати // Маърифат. – 2005, 11 июнь.; Ўша муаллиф. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: Академ хизмат, 2006. – 256 б.; Ўша муаллиф. Маърифатпарварлардан бири... // Шарқ ўлдузи. – 2009. – № 2. – Б. 172-180 ва бошқалар.

Германияда ўқиган ўн етти талабанинг фаолияти ва тақдирини кенг ёритган бўлса, Б. Ирзаев Туркистон даврий матбуоти ҳамда маҳсус архивларда сақланаётган мавзуга оид ҳужжатлар асосида унга қўшимча янги маълумотларни киритгани билан мазкур мавзуни бойитишга хизмат қилди.

Хорижий муаллифлар ҳам Туркистон ёшларининг хориждаги таълими масаласини ўргангандар. МДҲ давлатлари тадқиқотчилари И. Гилязов, М. Боқиев, Н. Гафаров, Л. Тузбекова, С. Брежнева, Р. Хакимов, А. Шарипов ва бошқалар томонидан муаммонинг баъзи жиҳатлари ўрганилди²⁸. Аммо амалга оширилган тадқиқотларнинг аксариятида обьектнинг бошқа масалага қаратилганлиги боис умумий ва масаланинг айrim жиҳатларига эътибор қаратиш билан чекланилган.

XX асрнинг 90-йиллари гача бўлган даврда Ҳ. д’Энкауссе, Э. Оллворт каби хорижий тадқиқотчилар²⁹ Россия империяси мустамлакаси даврида яратилган рус шарқшунослари ҳамда жадид зиёлилари қаламига мансуб ишлар асосида Туркистон ёшларининг хорижий таълими масалаларини ёритган. Совет ҳокимиюти йилларида ёшларнинг хорижий таълимига оид маълумотларни эса муҳожирликда яшаб қолган туркистонликларнинг шахсий архиви ва оғзаки тарих манбалари асосида яратганликлари билан аҳамиятли эканлигини таъкидлаш зарур.

Кейинги йиллардаги Адид Халид, Б. Ярашевский, И. Балдауф, Хисао Коматцу, Э. Яман, Темурхўжа ўғли, А. Андижон, Ҳ. Торун ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотлари Ўзбекистондаги архив, кутубхоналардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳамда хорижий архивлар, шунингдек, муҳожирликда яшаб қолган зиёлилар, талабалар шахсий архивларини илмий истеъмолга киритганлиги билан қимматлидир³⁰.

²⁷Ирзаев Б. Туркистон жадидларининг “Кўмак” ташкилоти. – Тошкент, 2016. – 148 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. – Тошкент, 2017. – 208 б.; Ирзаев Б., Раҳмонова Ю. Хоразм вилояти хотира китоби. – Тошкент: Akademnashr, 2019. 240 б.; Ирзаев Б. “Кўмак” – Туркистон тараққийпарварлари ташкилоти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2020, 7 август; Ўша муаллиф. Биринчи ўзбек агрономи // Янги Ўзбекистон. 2020, 25 август ва бошқалар.

²⁸Гилязов И.А. Общество поддержки российско-мусульманских студентов, 1918-1925 // Эхо веков. – 1996. – № 3/4. – С.193-199; Бакиев М.И. История просветительного движения и свободомыслия в Средней Азии, конец XIX – начало XX века: Дисс. док. ист. наук. – Душанбе, 2000. 283 с.; Тузбекова Л.С. Медресе “Галия” – высшее мусульманское учебное заведение Башкортостана (1906-1919). – Уфа, 2007. – 147 с.; Брежнева С.Н. Передовая культура джадидов в Средней Азии в начале XX века // Вестник Оренбургского государственного университета. – 2008. – № 10. – С. 50-55; Хакимов Р.С. Джадидизм (реформированный ислам). – Казань: Институт истории АН РТ, 2010. – 208 с.; Гафаров Н. Джадидизм в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. док. ист. наук. – Душанбе. 2013. 349 с.; Шарипов А.А. Роль медресе “Хусейния” в формировании возрождении мусульманского образования в Оренбургском крае. – Казань, 2014. –213 с.

²⁹Carrere d'Encausse H. Reforme et Revolution chez les musulmans de l'Empire Russe.Boukhara. 1867-1924.-Paris, 1966. – 312 р.; Allworth E. Central Asia: A Centry of Russian rule. – Newyork-London: Columbia University Press, 1967. – 549 р.

³⁰Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – Berkeley, Los Angeles, London: University of California Press, 1998. – 336 p.; Yarashevskiy B. Bukharan Students in Germaniy, 1922-1925 / Universitats- und Landesbibliothek Sachsen-Anhalt Digitale Bibliothek des Sondersammelgebietes Vorderer Orient Bamberger Zentralasiensstudien Baldauf, Ingeborg. – Berlin, 1994; Baldauf I. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Weit des Islams. 41, no. 1 Mar. 2001. – P. 72-88; Komatsu Hisao. 20 Yuzyil baslarinda Orta Asyada Turkguluk ve devrim hareketleri. – Ankara, 1993. – 80 s.; Yaman E. Osmanlidan Gunumuze Turkistan-Turkiye kulturel ileskilerinegenel borbakis / İslami arastirmalar dergisi. Cild: 12, sayi 2. 1999. – S. 191-200; Timur Kocaoğlu. Turkistanda Yenilik Hareketleri ve ihtilaler. 1900-1924: Birinchi Baski: – Haarlen, 2001. 505 p.; Andican Ahat. Ceditizm'den Bağımsızlığa Hariçte. Turkistan Mucadelesi. Birinci Baski. – Istanbul: Emre Yayınlari, 2003. 702 s.; Hakan Torun. Tahir Cagatay'in hayatı ve faaliyetleri. Yuksek lisans tezi. – Istanbul, 2002. – 152 s.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-132-сонли “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи тарихшунослиги: назарияси ва шаклланишининг тарихий босқичлари (2017-2020)” номли фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср охири – XX асрнинг 20-йилларида Туркистон ёшларининг хорижда таълим олиш масалалари, таълим турлари, талабалар ижтимоий ҳаёти ва кейинги тақдирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон минтақасида тараққийпарварлик ҳаракати ва унинг ёшларни хорижда таълим олишига кўрсатган таъсири ҳамда натижаларини таҳлил қилиш;

Туркистон маърифатпарвар сармоядорлари ва зиёлилари томонидан тузилган хайрия жамиятлари, шунингдек, уларнинг ёшларни хорижда таҳсил олишида кўрсатган ёрдамларини очиб бериш;

Россия империяси мустамлакачилиги даврида хорижда таълим олган ёшлар фаолияти, уларнинг Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига таъсирини ёритиб бериш;

совет ҳокимияти йилларида Туркистон ёшларини хорижга юборишдаги зиёлилар ташаббуси билан ташкил этилган жамият ва уюшмаларнинг ўрнини аниқлаш;

XX асрнинг 20-йилларида хорижга ёшларни юборишда хукумат ташкилотларининг тутган ўрнини таҳлил қилиш;

Туркистон ёшларининг хорижий ўқув юртларидаги таълим жараёни, уларнинг кундалик ҳаёти ва иқтисодий, ижтимоий муаммоларини очиб бериш;

Ўзбекистон ССР тузилганидан сўнг хорижда таҳсил олаётган ёшларга совет хукуматининг муносабатини ва уларнинг кейинги тақдирини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX аср охири – XX аср 20-йилларида Туркистон ёшларининг хориждаги таълими масалалари белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида Туркистон ёшларининг хорижий таълими, ташкил этилган тузилмалар ва бу жараёнларда миллий зиёлилар ҳамда хукуматнинг фаолиятини илмий ўрганиш ташкил қиласи.

Тадқиқотнинг усуслари. Тадқиқотда тарихий изчиллик, хронологик, қиёсий ва мантиқий таҳлил, тизимлаштириш каби усусларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон маърифатпарварлари, сармоядорлари ўз ҳисобларидан “Жамияти имдодия”, “Тарбияи атфол”, “Турон” жамиятларини тузганликлари, совет йилларида Туркистон АССРда миллий зиёлилар хукуматга ёрдам бериш мақсадида “Кўмак” уюшмаси ва “Нашри маориф” жамияти ташкиллаштирганликлари, бу жамиятлар томонидан ҳомийлик, хайрия асосида йиғилган маблағларни иқтидорли ёшларни топиш ва хорижга ўқишига юбориш, чет элларда ўқиётган талабаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирганликлари далилланган;

1920-1924 йилларда ТАССР, БХСР, ХХСР хукуматларининг иқтисодий аҳволидан келиб чиқиб, ёшларнинг хориждаги таълимига эътибор турлича бўлганлиги, бунда БХСР хукуматининг РСФСР билан шартномасига мувофиқ имтиёзларнинг мавжудлиги, хориждаги ваколатхоналари ва чет эллар билан савдо алоқалари ўрнатганлиги, имкониятлари мавжудлиги боис ўз талабалари билан бир қаторда, ТАССР ва ХХСР ёшларини ҳам Германиядаги таълимига кўмак берганлиги исботланган;

XX асрнинг дастлабки чорагида хорижда ўқиган туркистонлик ёшлар таълим даврида ўзаро бир-бирларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлашни мақсад қилиб, Истанбулда “Бухоро таъмими маориф”, Уфада “Туркистонлик талабалар жамияти”, Германияда “Туркистон талабалар уюшмаси”, Туркияда “Туркистон турк ёшлари бирлиги” номли бирлашмалар тузганларни, турли маданий тадбирлар ташкил этиш орқали ўз миллий маданиятини чет элларда тарғиб қилишга хизмат қилганларни аниқланган;

XX асрнинг 20-йилларида Европадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий танглик ҳолати туфайли туркистонлик талабалар моддий муаммоларга дуч келганлиги оқибатида баъзи ёшлар ўқишини тўхтатишга мажбур бўлганлиги, бу вазиятда БХСР хукумати ўз талабалари таъминотида маблағлар миқдорини ошириб борганлиги, ТАССР хукумати томонидан эса бу иш тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ХХСР ушбу масалада эътиборсиз бўлганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйдагилардан иборат:

Тадқиқот жараёнида Туркистон ёшларининг хориж мамлакатларида таълим олиш масалалари билан боғлиқ 500 дан ортиқ ҳужжатлар, шундан 100 дан ортиқ турли мазмундаги аризалар, 7 та “Кўмак” уюшмасига тегишли, 20 дан ортиқ Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР Маориф комиссарлиги ҳузуридаги стипендия комиссияси баённомалари, 15 га яқин талабалар мактублари, ҳисоботлар ва бошқа кўплаб архив ҳужжатлари, матбуот манбалари тадқиқ этилиб, талабалар юборишдаги жараёнлар, уларнинг таълими, иқтисодий муаммолари, ёшларнинг хориждаги маданий жамиятлари, ютуқлари ҳамда тақдири масалалари очиб берилган.

Совет ҳокимияти йилларида Туркия ва Германияда таълим олган Туркистон минтақаси ёшларининг рўйхати манбалар, ҳужжатлар асосида тузилиб илмий истеъмолга киритилган.

Хорижда таълим олиб муҳожирликда қолган ҳамда мамлакатга қайтиб кейинчалик қатағонга учраган ўзбек миллий кадрларининг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар қайта тикланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда тарих фанида тан олинган усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, бирламчи манбаларга асосланганлиги, мавзуга оид кўп турдаги адабиётлардан фойдаланилганлиги, хуроса, таклиф, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XIX аср охири – XX аср 20-йилларида хорижда таълим олган ёшлар тарихини ўрганиш орқали илмий-назарий билимларни янада чукурлаштириш, ҳозирги кундаги хорижда таълим олиш ва

стажировкаларнинг амалий аҳамиятини тушунишда, таълим сиёсатида хорижий таълимнинг ўрни ва аҳамиятини кенгроқ англаш ҳамда ҳаётий татбиқи, ушбу масалага доир илмий хуласаларни амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиши, маданий меросини тадқиқ этишга бағишлиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши, бугунги кунда ўзбек ёшларининг хорижда таълим олишини йўлга қўйишда тажриба ва ибрат вазифасини ўтайди. Шунингдек, тарихий билимларни ривожлантиришга, яратилаётган Ўзбекистон тарихи фани дарсликлари ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари Туркистон ёшларининг хорижда таълим олиши масалалари тадқиқоти бўйича олинган илмий натижа ва таклифлар асосида:

Туркистон АССР, БХСР, ХХСР хукуматлари ёшларининг хориждаги таълимига турлича эътибор қаратганлиги, бунда БХСР хукуматининг сиёсий ва иқтисодий имкониятлари нисбатан кенг эканлиги боис ўз талабалари билан бир қаторда, ТАССР ва ХХСР хукуматларидан Германияга борган айrim талабалар таъминотини қоплашда ёрдам берганилиги, туркистонлик талабалар хорижда таълим олиши жараёнида муаммоларга учрагани, ёшларнинг хорижий таълимида “Кўмак” уюшмаси, “Нашри маориф” жамиятининг алоҳида ўрни бўлғанлиги каби илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган ОТ-Ф1-132 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи тарихшунослиги: назарияси ва шаклланишининг тарихий босқичлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 17 июндаги 3/1255-1428-сон маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида Туркистон ёшларининг хорижга юборилиши тарихи, моҳияти ҳамда унинг аҳамиятини ўрганиш учун кенг имконият яратган.

Туркистон ёшларининг хорижда таълим олиш масаласи ва ундаги муаммолар, жадид маърифатпарварлари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар томонидан ташкил этилган хайрия жамиятлари ва уларнинг ёшлар таълимига ёрдами, таълим жараёнидаги муаммолари, чет элда таълим олиб келган ёшларнинг ўз ютидаги фаолияти, тақдирига оид маълумотлардан “O’zbekiston tarixi” телеканалининг “Tarixiy savol” кўрсатуви сценарийларини тузишда фойдаланилган. (O’zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi “O’zbekiston” teleradiokanalı” давлат муассасасининг 2021 йил 14 декабрдаги 01-4/4-1867-сон маълумотномаси) Тадқиқот натижалари Ўзбекистон тарихини янада чуқурроқ ўрганишга, бугунги ёшларнинг хорижда таълим олишига бўлган мақсадларини тўғри йўналтириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини

чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уча боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 155 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ҳамда предмети белгилаб олинган. Ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлар, жадидчилик ва ёшларнинг хорижда таълим олишига интилиши** деб номланган биринчи боби Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги ижтимоий-маданий ҳаёт ёшларнинг хорижда таълим олишига бўлган эҳтиёж, ушбу даврда хорижда таълим олган ёшлар ва уларнинг таълимдан кейин Туркистондаги фаолияти масалаларига бағишлиданади.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи “*Минтақада тараққийпарварлик ҳаракати ва унинг ёшларни хорижда таълим олишига кўрсатган таъсири*” деб номланиб, унда Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонлигидаги ёшларнинг хорижий таълими ва унга жадидчилик ҳаракатининг кўрсатган таъсири таҳлил этилган.

Туркистон ёшларининг хорижий таълими XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати билан узвий равишда ривожланиб борди. Ёшларнинг хорижий таълимига Туркистонга кириб келган янгиликлар ва хориж мамлакатларидағи ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатган. Туркистон жадидларининг мақсад ва вазифаларида миллий кадрлар ҳамда уларни тайёрлаш учун хорижга талаба юбориш масаласи асосий ўринда бўлганлигини кўриш мумкин.

Дастлаб Туркистон ёшлари Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларига давлат ва ҳукумат ишлари, тиббиётдан, Миср ҳамда Арабистонга диний илмлардан таҳсил олишга бордилар. Жадидлар тараққиётда олдинда бўлган давлатларда мутахассислар тайёрлаш учун ёшларни ушбу мамлакатга бориб таълим олишларида амалий чоралар билан бирга, миллий матбуот саҳифаларида ҳам тарғиб қилганлар³¹.

XX аср бошларида бир гурӯҳ Туркистон ёшлари Уфадаги “Олия”, “Усмония”, Оренбургдаги “Хусайния”, Қозондаги “Муҳаммадия”

³¹ Махмудхўжа ибн Беҳбудхўжа хатиб. Тамин истиқбол // Шуҳрат. 1908, 7 февраль.

мадрасаларига бориб таълим олдилар. XX асрнинг иккинчи ўн йиллигига ушбу мадрасаларда туркистонлик ёшларнинг таълим олиши анча ортган.

Ёшларнинг хорижий таълимида Туркистонда тузилган хайрия жамиятларининг ўрни катта бўлган. Тошкентда 1909 йилда тузилган “Жамияти имдодия”, 1913 йил охирларида тузилган “Турон” жамияти аъзолари ёшларни хорижга юбориш ва таълим жараёнида моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаганлар. Хайрия жамияти аъзоси Мунавварқори Абдурашидхонов бир қанча ёшларни хорижга ўқишга яширин юбориб турган³². 1910 йилги маълумотга кўра 100 га яқин туркистонлик ва бухоролик ёшлар Истанбулда таълим олганлар³³.

Истанбул дорилфунуни Туркияning энг йирик олий таълим муассасаларидан бири эди. Университетда ўқиш пуллик бўлиб, ҳар бир талаба учун бошидан икки ярим лира олинган. Дорилфунунда талабаларга араб, форс, француз ва немис тиллари ҳам ўқитилган. Айrim фанлар учун амалий лабораториялар ташкил этилган³⁴.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ҳам замонавий миллий кадрлар ва ёшларнинг хорижий таълим масаласи долзарб саналган. Бу ерлик ёшлар XIX аср охири – XX аср бошларида Европа ва Шарқ мамлакатларидаги бир қанча хориж таълим муассасаларida таҳсил олганлар. Жумладан, бухоролик йирик савдогар Ҳожи Абдурауф Мирзохидбой ўғли Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорийни (1877-1913) 1903 йилда Эронга юбориб, Техрондаги Америка тиббиёт коллежида ўқитган. Мирзо Сирожиддин олий таълимни Швейцарияning Берн университети тиббиёт факультетида олган³⁵. Манбаларда қайд этилишича, Бухоро амирлигидаги ёшлар XIX аср охири – XX аср бошларида Францияда ҳам таълим олганлар³⁶.

Бухоро амирлигига ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1909 йилда “Тарбияи атфол” яширин жамияти тузилади. Улар жамият томонидан ташкил қилинган мактабларда ўқиган ўқувчиларни хориждаги таълим муассасаларига ўқишга юбора бошладилар. Бадавлат оила болалари ўз ҳисобига, камбағал оила фарзандлари эса яширин жамият маблағи билан таълим олишга юборилган. “Тарбияи атфол” яширин жамияти ёрдамида 50 дан ортиқ бухоролик ёшлар Истанбулда таълим олган. Архив ҳужжатларида ёзилишича, 1914 йилга келиб биргина Бухоронинг ўзидан 250 дан ортиқ талаба Туркияning турли таълим муассасаларига ўқиган³⁷.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II даврида мамлакатнинг ижтимоий-маданий ҳаётида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилиб, хонликка кўплаб

³²Ёш туркистонли. Гаспирали Исмоилбек номи “Таржимон” газетасининг чиқанлигини 50 йиллиги муносабати ила // Ёш Туркистон. – 1933. – № 41. – Б. 10; Иброҳим Ёрқин. Хотиралар. Туркчадан таржимон ва нашрга тайёрловчи Ш.Турдиев. // Жаҳон адабиёти. – 2002. – № 6. – Б. 137-138.

³³Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринлар ЎзМА тарзида берилади), И-461-жамгарма, 1-рўйхат, 1260-йиғмажилд, 18-варак.

³⁴Каримий Ф. Истанбул мактаблари ҳақида бир қадар маълумот // Шўро. – 1913. – № 7. – Б. 213.

³⁵Исоқова М. Сайёҳатдан шифокорлик сари ёхуд Мирзо Сирожиддиннинг “Тухфаи аҳли Бухоро” асари хусусида // INFOLIB. – 2020. – № 2. – Б. 67.

³⁶Поездка бухарцев в Париж // Туркистон вилоятининг газетаси. 1910, 24 январь.

³⁷ЎзМА, И-461-жамгарма, 1-рўйхат, 2115-йиғмажилд, 19-варак.

хориждаги ўзгаришлар кириб келди, жумладан, нашр учун босмахона, шифохона, почта-телефон хизмати ва янги усул мактаблари ташкил этилди. Хонликдаги тараққийпарвар бойлар томонидан 1904 йилда “Жамияти хайрия” тузилган. Унинг асосий вазифаси Хива хонлигига янги усул мактаблари ташкил этишга қаратилган эди³⁸. Хориждаги янгиликлардан хабардор бўлган хивалик тараққийпарвар кишилар XIX аср охирларида ёқ фарзандларини хориж давлатларига таълим олиш учун юбордилар. Жумладан, хивалик Муҳаммад Аминиддин ўғли дастлаб Истанбулда, 1893-1897 йилларда эса Франциянинг Тулузда шаҳридаги ирригация коллежида таълим олганлигини айтиб ўтиш мумкин³⁹.

XX аср бошларида айрим хивалик ёшлар қўшни мамлакатлардаги ислоҳ қилинган мадрасаларда ҳамда Истанбулда таълим олдилар. Масалан, Бекжон Раҳмонов 1913-1918 йилларда Истанбулдаги ўқитувчилар семинарияда ўқиди⁴⁰. Бу олий таълим муассасаси кўпгина тилларни, диний ва дунёвий билимларни ўргатар эди.

“Хорижда таълим олиб қайтган ёшларнинг Туркистондаги фаолияти” деб номланган қисмда XX асрнинг дастлабки йилларида хорижда таълим олиб қайтган ёшлар ўлқадаги жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, жамият тараққиёти йўлида хизмат қилдилар. Кўплаб ёшлар жадидлар томонидан ташкил этилган янги усул мактабларида, хайрия жамиятлари, матбуот ва театр жамоалари ривожланишида ёрдам бердилар. Улар дастлаб жадид мактабларида таълим берган бўлсалар, кейинчалик ана шу мактаблар раҳбарига айландилар.

Хорижда таълим олган ёшлар жадид матбуотининг “Самарқанд”, “Ойна”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Хуррият” каби газета ва журналларда ўзларининг мақолалари билан иштирок этдилар.

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг таникли намоёндалари орасида Усмон Хўжа, Абдурауф Фитрат, Отаулла Хўжаев, Абдуқодир Муҳиддинов каби Туркияда таълим олиб қайтган ёшлар бор эди⁴¹. Улар Истанбулдаги таълими даврида ёқ қарашлари билан Туркистоннинг келажагини яратиш ва ундаги муаммоларга назар ташладилар.

Хивалик Муҳаммад Аминиддинов 1897 йилда Франциянинг Тулузда шаҳридаги ирригация коллежини тамомлаб Хивага қайтгач, Амударёда ташкил қилинган флотилияниң ўқув курсига раҳбар қилиб тайинланди.

Умуман олганда, ушбу ёшлар Туркистоннинг ижтимоий маданий фаолиятида фаол куч бўлиб, мамлакат тараққиёти учун турли соҳаларда фаолият олиб бордилар. Улар ҳукумат муассасаларида, маориф, матбуот, театр ва бошқа соҳаларда ишлаб жамият тараққиёти учун хизмат қилдилар.

Диссертациянинг Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Ҳалқ Совет Респубубликаларида ёшларнинг хорижда таълим олиш масалалари номли

³⁸ Билолов Г. Хоразмда ҳалқ маорифи тараққийси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969 – Б.18.

³⁹ Бекмуҳаммад У. Жайхунни жиловлаган мироб // Камалак. 2004, 4 декабрь. Қўшжонов О. Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007. – Б. 271.

⁴⁰Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 28.

⁴¹Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари // Ҳукуқ ва бурч. – 2008. – № 2 – Б. 41.

иккинчи бобда маҳаллий зиёлилар томонидан тузилган миллий жамиятларнинг иқтидорли ёшларни хорижий таълимга йўналтиришдаги фаолияти ҳамда ҳукуматнинг бу борадаги амалий ҳаракатлари боғлиқлигига таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг “Ёшларни хорижсга юборишида миллий зиёлилар фаолияти ҳамда жамиятлар ва уюшмаларнинг ўрни” деб номланган биринчи параграфида Туркистонда фаолият юритган маърифий жамиятларнинг хорижий таълимга эътибори, хусусан, “Кўмак” уюшмасининг ёшларнинг чет мамлакатларга юбориш борасида саъй-ҳаракати ёритиб берилган.

Туркистонда сиёсий жараёнлардаги ўзгаришларга қарамай, ижтимоий-маданий ҳаётда ёшларнинг хориж мамлакатларида таълим олиши давом этди. Ёшларни хорижда таълим олиши ғояси Абдурауф Фитрат бошчилигига 1919 йилда Тошкентда ташкил этилган “Чигатой гурунги” ташкилоти мақсадларида ҳам бор эди⁴². Гурунгдаги зиёлилар ёшларнинг хорижда таълим олиш ҳаракатларида ғоявий кўмакчи бўлдилар.

Ҳукуматнинг маориф идораларида ҳам ёшларнинг хорижда таълим олиши масаласи аста-секин муҳокамага тортилди. Туркистондан четга бориб ўқиш учун 1921 йил бошларида “Ўзбек билим ҳайъати” томонидан лойиха тузилиб, бир неча ўқувчиларнинг рўйхати олиниб ҳукуматга топширилган. Аммо бу ҳаракат ўз натижасини бермайди.

Туркистон ёшлари орасида кўтарилиган хорижга бориб таълим олиш ҳаракати зиёлилар ва ёшлар ташаббуси билан тузилган “Кўмак” уюшмаси атрофида яна жонланади. 1922 йил май ойида уюшманинг низоми ҳукуматга тақдим қилиниб, “Билим кенгаши” томонидан тасдиқланган⁴³. “Кўмак” уюшмасининг асосий мақсади этиб, ўзбек талабаларининг хорижда ва РСФСР олий ва ўрта ўқув муассасаларида ўқиш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш эди⁴⁴. Уюшма ўз низомидан келиб чиқиб, хайрия йиғиши, иқтидорли ёшларни тўплаш ва уларни хорижга юбориш ишларини амалга ошириди.

“Кўмак” уюшмасининг йиғилишларида ариза билан мурожаат қилган ёшлар масаласи муҳокама қилинган. 1922 йил 10 августдаги уюшманинг ҳайъат йиғилишида 15 та Германияга кетувчи ёшлар, 1922 йил 14 августдаги йиғилишида эса, Россиянинг Москва ва Петербург шаҳарларига кетувчи 25 талаба рўйхати тасдиқланган⁴⁵.

Туркистон АССР ҳукуматида 1922-1923-ўқув йили бошланиши олдидан хорижга кетувчи ёшларни юбориш ишлари амалга оширилди. “Кўмак” уюшмасида фаолият олиб борган ёшларнинг кўпчилиги ана шу жараёнда хорижга кетди. Уюшманинг марказий бошқаруви Салимхон Тиллахоновга топширилган⁴⁶. Бироқ уюшманинг марказий қўмитасини қайта тузишга ҳукумат томонидан имкон берилмади, лекин унинг вилоят ва туманлардаги бўлимларида ҳайрия йиғиши ишлари давом этган.

⁴² Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент, 2006. – Б. 226.

⁴³ ЎзМА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1380-йигмажилд, 119-варап.

⁴⁴ ЎзМА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1380-йигмажилд, 463-варап.

⁴⁵ ЎзМА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1380-йигмажилд, 158, 410-вараклар.

⁴⁶ ЎзМА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1380-йигмажилд, 403-варап.

Маърифатпарвар Сайдносир Миржалиловнинг ташаббуси билан 1921 йилда “Туркистон” савдо-саноат ширкати тузилган. С. Миржалилов ширкат фойдасига тушган маблағининг маълум қисмини хорижга юборилаётган ёшлар фойдасига сарфлаган. Ушбу ширкат зиёлилар томонидан тузилган “Нашри маориф”⁴⁷ жамияти фаолиятини ривожлантириш ва оммалашувидаги ёрдам берган.“Нашри маориф” жамиятининг бошқа ҳудудларда шўъбалари очилган. Жамият Туркистон, Россия ва хориждаги олий ўқув юртларидаги талабаларнинг сонини ошириш ва уларга ёрдам беришни мақсад қилган.

Умуман олганда, Совет ҳокимияти йиллари Туркистонда зиёлилар томонидан ташкил этилган жамият ва уюшмалар саъй-ҳаракатлари натижасида кўплаб маҳаллий ёшлар хориж мамлакатларида таълим олиш учун юборилди. Ушбу жамиятлар орқали уларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида ТАССР, БХСР, ХХСР ҳукумати ташкилотлари томонидан ёшларни хорижга юбориш масалалари таҳлил қилинган.

ТАССР Халқ маориф комиссарлиги хузуридаги “Ўзбек илмий комиссияси”да 1921 йил 23 апрель ҳамда шу йилнинг 7 майда бўлиб ўтган йигилишида ёшларнинг хорижий таълими ҳам кун тартибига қўйилди⁴⁸. Бироқ ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорлар юзага чиқмади. Шунга қарамай, “Ўзбек илмий комиссияси” ва “Кўмак” уюшмаси ҳаракати билан ҳукумат ёрдамида ёшларни хорижга юборишга эришилди. ТАССРда 1922 йил бошланган хорижга талаба юбориш сафарбарлигига 11 нафар талабани ҳукумат ҳомийлигига таълим олишига рухсат берилган. Унга кўра, Халқ таъминоти комиссарлигига 4 киши, Пахта қўмитасига 2 киши, Ипакчилик бўлимига 2 киши, Ер-сув комиссарлигига 2 киши қилиб ажратилган ҳолда белгиланган⁴⁹. Бир нафар талабанинг хориждаги таълими жараёнидаги моддий эҳтиёжларини маориф комиссарлиги ўз зиммасига олган.

Туркистон АССР ҳукуматидан ушбу даврда Туркияга талаба юбориш масаласи ҳам қўйилган, бироқ, у ердаги сиёсий вазият сабаб ҳукумат томонидан амалга ошмай қолган⁵⁰. Шунга қарамай мустақил равишда бир неча ёшлар Туркияга бориб таълим олган⁵¹.

Туркистон АССРдаги ёшларни хорижга юбориш ишлари Бухоро Халқ Совет Республикасида ҳам амалга оширилди. БХСР ҳукумати раҳбарлари мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётни ривожлантиришга катта эътибор қаратдилар.

Бухоро ҳукумати ўзининг Москвадаги элчихонаси орқали Германия элчихонаси билан ўзаро алоқа боғлаб, ёшлар таълими масаласида ёзишмалар

⁴⁷ “Нашри маориф” жамияти 1923 йилнинг январь ойида Мунавварқори Абдурашидхонов ва бир гурух зиёлилар ташаббуси билан тузилган. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. Тошкент: Ma’naviyat, 2003. – Б. 128-129.

⁴⁸ Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент, 2006. – Б. 10.

⁴⁹ ЎзМА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1380-йигмажилд, 296-варақ.

⁵⁰ ЎзМА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1380-йигмажилд, 493-варақ.

⁵¹ Ёкуб. Илк хожам // Ёш Туркистон. – 1934. – № 50. – Б.14; Yaman E. Osmanlidan Gunumuze Turkistan-Turkiye kulturel ileskilerinegenel birbakis / İslami arastirmalar dergisi. Cild: 12, sayi 2. 1999. – S.198.

олиб борган⁵². Бухоро Халқ маориф нозирлиги 1922 йилда Чоржўйда ёшлар учун немис тилини ўргатувчи махсус курслар ташкил қилинди. Германияга юбориладиган талабаларнинг таълимини ташкиллаштириш учун 1922 йил 13 августда ҳукумат томонидан уч кишидан иборат комиссия тузилади (Олимжон Идрисий, Абдувоҳид Бурҳонов, Ф.А. Кемниц)⁵³. Ушбу комиссия билан бирга Бухородан 46 киши Германияга юборилди.

БХСР ҳукумати бир гуруҳ ёшларни Туркияга ҳам таълим олиш учун юборди. Бухоро Халқ маориф нозирлиги 1922 йил 6 декабрдаги 3887-рақамли мактубида Туркияга юборилаётган 30 нафар талаба ва улар билан бирга 200 пуд юкларини манзилига етказишда БХСРнинг хорижий ишлар нозирлигидан ёрдам сўралган⁵⁴. Ҳукумат ёрдами билан Туркияга юборилган 25 нафар бухоролик талабалар Трабзон сultonияси ва Қастамону шаҳарларида таълим олган⁵⁵.

БХСР ҳукумати ТАССРга нисбатан сиёсий жиҳатдан бир қадар эркинроқ бўлиб иқтисодий ахволнинг яхшилиги натижасида ҳукумат ҳомийлигига кўпроқ талаба юборишга эришди. Бухоро ҳукумати нафақат ўзининг, балки ТАССР ва XXСРдан келган ёшларни ҳам ўз талабалари сафига қўшишган эди.

Хоразм Халқ Совет Республикасида ҳам ёшларни хориж мамлакатларида таълим олиши масаласи қўтарилиб, иқтидорли талабалар рўйхати тузилган. Туркистон даврий нашрларида Германияга ўқишига борадиган ўқувчилар рўйхатида Хивадан 5 киши номи қайд этилган⁵⁶. Аммо Германияга таълим олиш учун 2 нафар хоразмлик талаба ўқишига борган, қолганлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Хорижга борган икки талабанинг бири ўз ҳисобидан, иккинчиси эса БХСР ёрдами билан ўқиганлигини қўриш мумкин⁵⁷.

Мавжуд адабиётлар ва манбалардаги маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Туркистондан совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида 70 дан ортиқ талабалар Германияда, 50 га яқин ёшлар Туркияда таълим олганлар.

Диссертациянинг “Талабаларнинг хориждаги таълим жараёнлари, қундалик ҳаёти ва кейинги тақдири” деб номланган учинчи бобда ёшларнинг хориждаги таҳсили, талабаларнинг иқтисодий муаммолари, таълим соҳасида эришган ютуқлари, хориж таълимидан кейинги тақдирлари ёритилган.

“Ёшларнинг хориждаги таълим жараёни” қисмда Туркистон ёшларининг хориждаги ҳаёти, уларнинг таълими, тил ўрганиши, хорижий муаллимлари билан туркистонлик талабаларнинг муносабатлари таҳлил этилган.

Жумладан, Германияга борган бухоролик ёшлар дастлаб махсус 6 ойлик тил курсларида немис тилини ўргангандар. Улар турли йўналишларга тақсимланганлар. Бир гуруҳ ўқувчилар пансионга жойлаштирилган, бир

⁵² Германияга талабалар юбормак ишларининг бориши // Бухоро ахбори. 1922, 27 июль.

⁵³ Германияга талабалар кетадур // Бухоро ахбори. 1922, 28 август; ЎзМА, Р-56-жамғарма, 1-рўйхат, 35-йиғмажилд, 27-варак.

⁵⁴ ЎзМА, Р-56-жамғарма, 1-рўйхат, 13-йиғмажилд, 4-варак орқаси.

⁵⁵ Усмоний туркларнинг бу кунги ҳоли // Бухоро ахбори. 1922, 31 декабрь.

⁵⁶ Сирожий. Германияда ўқувчи мусулмонлар // Қизил байроқ. 1922, 31 август.

⁵⁷ Салимхон. “Кўмак”нинг жавоби // Туркистон. 1923, 29 июль; ЎзМА, Р-56-жамғарма, 1-рўйхат, 224-йиғмажилд, 96-варак орқаси.

гурухи завод-фабрикаларга амалий билимларни олиш учун юборилган, яна бир гурухи олий таълим олиш учун хонадонларга жойлашган.

